



**Нодира ХОЛМАХМЕДОВА**

ўқитувчи

Самарқанд давлат чет тиллар

институти

## **“АРМОН АСИРАСИ” РОМАНИ БАДИИЯТИ**

Мақолада Зулфия Қуролбой қизининг “Армон асираси” романи бадий хусусиятларини тадқиқ этиш орқали ёзувчининг қаҳрамонлар характери яратишдаги маҳорати, миллий романчиликка киритган янгилиги очиб берилган. “Армон асираси” романи мисолида Мустақиллик даври ўзбек адабиёти романчилигидаги ўзгаришлар ва ўзига хос хусусиятлар ҳам ўрганилган.

В статье на основе анализа романа «Пленница неисполненного желания» Зулфии Қуралбай кизи раскрывается мастерство писательницы в воспроизведении характера и вклад в новшество национального романтизма. В дополнение к этому, примером романа «Пленница неисполненного желания» изучены изменения и специфические особенности прозы узбекской литературы в период независимости.

The article highlights the character creating skills and innovation on national literature of Zulfiya Kuroilboy kizi on the example of novel “Captive of Regret”. In addition, a novel “Captive of Regret” is studied as the example with changes and specific peculiarities of prose in Uzbek literature during the independence period.

**Калит сўзлар:** роман, бош қаҳрамон, образ, маҳорат, ўзига хослик, рухият, характер.

**Ключевые слова:** роман, главный герой, образ, мастерство, своеобразие, положение, характер.

**Key words:** novel, main hero, image, skill, peculiarity, mood, character.

Мустақиллик даври ўзбек адабиёти жанрлар борасида шаклланган тасаввурларнинг ўзгариши, яратилаётган асарларнинг назарий қолипларга тушмаслиги билан характерланади. Зеро, ижод эркинлиги деган тушунча фақат “нимани ёзишга эмас, балки “қандай ёзишга” ҳам тегишлидир. Ёзувчи Зулфия Қуролбой қизининг “Армон асираси” романи ана шундай ижодий тажрибанинг ҳосиласи ўлароқ дунёга келган асардир. Унда “романтик тафаккур” яққол сезилмай, оддий одамларнинг оддийдан ҳам жўн

ташвишлари, миллат тарихий тараққиётига дахлдор улкан ижтимоий воқеалар, сиёсий эврилишлар эмас, балки ўз мавжудлигини таъминлашга ҳам курби етмайдиган ночор, кунини кўришга зўр бериб уринаётган, аммо шуни ҳам уддалай олмаётган кишиларнинг аянчли тақдири акс этади.

“Армон асираси”да ўзлигини сақлаш, ўз қиёфасига эга бўлиш имконига эга бўлмаган одам, уни ҳамиша турланиб-тусланиш, эшилишга мажбур этадиган вазият ва шундай яшашга маҳкумлиги фожиаси ва унинг руҳиятидаги титрама жихатлар катта хайрихоҳлик билан тасвирланган. Айни пайтда, асарда ҳар қандай оғир, машаққатли шароит ҳам чинакам одам тийнатидаги ўзак сифатларни ўзгартира олмаслиги акс этган.

Романда персонажлар табиати, руҳиятнинг экстремал ҳолатларидаги энг яширин, пинҳоний жихатларигача теран ёритилган. Ушбу романда Зулфия Қуролбой қизининг миллий адабиётимиз тажрибасида қарор топган романий тартибларга қатъий амал қилмаганлигини кузатиш мумкин. Одатда, романда ҳаётдаги воқеаларнинг ижтимоий аҳамияти, қаҳрамон табиатини очишга хизмат қиладиган ўзига хос тасвирий воситалар талаб қилинади. Зулфия Қуролбой қизи эса воқеаларни муҳим-номуҳимга ажратмайди, қаҳрамонлари характерини жуда оддий, майда ва ҳатто, тубан маиший воқелик фонида кўрсатишдан ҳам тап тортмайди. Бу хил ёндашув, кўп ўринларда, образлар моҳиятини, уларнинг ички кечинмаларини очишда ёзувчига кўл келган.

“Армон асираси” асарида аслида бош қаҳрамонга ҳар жихатдан мос келадиган образ йўқ. На асардан энг кўп жой олган Насиба, на умри фожиалар гирдобидида ўтган Дониш, на прототипи муаллифнинг ўзи дейиш мумкин бўлган Хулкар Армон, на қисматга қасдма-қасд яшаётган Беҳзод ва на ёвузлиги билан ҳамманинг кўнглига даҳшат солувчи Талгат нафақат ижтимоий ҳаётни ўзгартира олади, балки ўз тирикчилигини ҳам тузукрок йўлга кўя олмайди. Уларнинг бирортаси ҳам қаҳрамон даражасига чиқолмаган оддий кишилар. Шунчаки кун кечириш яшаш бўлмаганидек, тирикчилик ўпқонига ютилган одам қаҳрамон бўлолмайди. Кўраётган кунидан юксак бўла туриб, ўзига муносиб кун кўришни эплолмаган одам ҳам қаҳрамон саналмайди.

Ҳозирги кўпчилик романларда яланғоч мафкурадан ташқарида туришга интилиш кўзга ташланади. Ёзувчи ҳам ҳеч кимни ҳеч қандай ғояга даъват қилмайди, йўл кўрсатмайди. У олдингидагидек типик шароит ва умумлашма образларни эмас, исталган бир ҳолатдаги дуч келган майда ва қиёфасиз кимсаларни ҳам тасвир фокусига олаверади. Ижодкорлар, одатда, турғун

характерлардан кўра, ўзгарувчан руҳий ҳолатларни ифодалашга кўпроқ интилишади. Зеро, ҳозир ўзгаришлар тинимсизлигидан бошқа турғунлик йўқ.

Сўнгги пайтлари миллий романчиликда ожиз, кучсиз, азобларга маҳкум индивидларни тасвирлаш тамойили кучайиб бораётганлиги уларнинг китобийликдан қутулиб, ҳаётга яқинлашишига сабаб бўлмоқда. Чунки кеча бадиий эътибордан четда бўлган “кичкина одам”нинг кўнгил олами аслида бепоён эканлиги англаб етилди. Инсоний тақдирларнинг эврилиш тарихи кўрсатмоқдаки, “катта” билан “кичкина” одам ўртасидаги оралик, кўпинча, бир қарич ҳам чиқмайди.

“Армон асираси” асарида фавқулодда ҳолатга тушган одамларнинг таранг руҳий ҳолатлари, шу аснода уларнинг табиатида рўй берган ҳиссий-маънавий эврилишлар маҳорат билан кўрсатиб берилган. Жумладан, асарда йўқчилик туфайли ўзбек аёлининг ўзидаги эзгу сифатлардан айрилиб бориш жараёни таъсирли акс эттирилган. Маънавият жуда юксак тушунча, лекин у ўзгармас ва турғун ҳодиса эмас. Одамдаги маънавий сифатлар ҳаётнинг ўзида, унинг таъсирида шаклланади, ўзгаради, юксалади. Романда тўғри йўлга қўйилмаган ҳаёт одамнинг нафақат моддий ҳолатига, балки маънавий-ахлоқий сифатларига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги маҳорат билан кўрсатилган.

Зулфия Қуролбой қизи тимсоллар моҳиятини ёрқин акс эттирадиган кирраларни яхши билади. Шунинг учун ҳам у қаҳрамони Насиба руҳиятидаги эврилишни биргина овоз детали тўлиқ ифодалашига интилади. Романда соддагина Насиба ўзини муттасил кузатадиган, хатти-ҳаракатларини тафтиш қиладиган ўй кишиси сифатида гавдаланган. Насиба тимсолида адоқсиз машаққат, сўнгсиз азобларда ҳам эзгуликка умид, одамларга ишонч туйғусидан айрилмаган ўзбек аёли тасвирланади. Фақат оиласи тинчлиги, болалари соғлиғи, эрининг хотиржамлигини ўйлайдиган бу аёл дунё муаммоларини ҳал этишни даъво қилмайди, шоҳона ҳаётни орзу қилмайди, бор-йўғи ҳамма қатори яшашни истайди, холос. У қаҳрамон ҳам, донишманд ҳам, буюк ҳам эмас. Лекин у тириклик фақат азоблардан иборат эмаслигини билади, одамларга ишонади ва эзгу кунлар келишига чин дилдан умид қиладди. Ана шу умиди уни улуғлайди. Зеро, шайтон ва унинг йўлидан кетаётганларгина умиддан маҳрумдирлар.

Асар бошида Насиба ҳар қандай ўзбек аёли сифатида эрига садоқатли, меҳрли инсон сифатида гавдаланган. Насибанинг ўй-хаёллари ва кечинмалари, воқеалар билан боғлиқ руҳий ҳолатлари тўлиқ ёритилмайди. Воқеаларга муносабати орқали ҳам унинг характери тўлиқ очиб ташланмайди. Ёзувчи хулоса чиқариш ва унинг руҳий ҳолатини англаб

етишни китобхоннинг ўзига қолдиради. ...Насиба яқинда уч хонали уйни икки хонали уйга алмаштириб қарзларини тўлаган, бироқ келажагини яратиш учун қўлида қолган пули етарли эмаслиги аёнлаша боради. Биз буни Лола опа исмли аёлнинг Насибаникига келиши ва ундан қарзини талаб қилиши воқеаси орқали билиб оламиз. Насиба асар бошида ўз қарзларини тўлашга астойдил киришади. Ҳатто рўзгорини тебратиш учун эски кийимлар бозорига чиқиб савдо қилишга мажбур бўлади. Турмуш ўртоғи бор бўлса-да, Насиба унга суянолмайди. Оқибатда унинг руҳиятида ўзгаришлар содир бўла бошлайди. Қачонлардир эрини дунёда ягона суянчиқ тоғ сифатида кўрган бўлса, аста-секинлик билан Донишга бўлган муносабати ўзгаради. Унинг ҳар доим ичиб келиши, рўзгор тебратиш учун қарзга ботиши, Насиба берган пулни ўғирлатдим дейиши Насибани буткул ўзгартиради. У бозорга чиқа бошлагандан сўнг эса Донишга умуман ишонмай қўяди. Унинг қўлига пул беришни истамай қолади. Кейинчалик бу ишидан пушаймон бўлади ва қилган гуноҳи учун Талгат исмли бегона одамни боқишга ўзини мажбур деб билади.

Ёзувчи Насибанинг руҳий ҳолатини чизмай, хатти-ҳаракатлари орқали руҳиятини тасвирлай бошлайди.

– Пулни... йўқотиб... қўйдингизми?..

*Қорачиқлари кенгайиб кетган Насиба даҳшат ичида пичирлади.*

– Олдириб... қўйдим... – ерга қараганча мингирлади Дониш, хаёлида эса: “Чинданам куппа-кундузи тунаб кетди-ку, Жамшид!..” деган ўйни ўтказди.

– Шўрим қурсин...

*Юзи қордек оқарган аёл деворга беҳол суянди. Бир дақиқадан кейин пешонасида реза-реза тер томчилари пайдо бўлиб, лаблари атрофи кўкариб тез-тез, қисқа-қисқа нафас ола бошлади”*(3, с. 55).

Ушбу парчадан кўриниб турибдики, Насиба охирги қолган пулларини Донишга берган, бироқ у ҳар сафаргидек хотинини алдайди. Бу Насибанинг сабр косасига охирги томчи бўлиб қуйилади ва бу ҳолатни бошқа кўтара олмайди. Шу сабаб унинг аҳволи ўзгаради. Ранги оқариб тез-тез нафас ола бошлайди. Ўзини ёмон ҳис этади. Шу аҳволда ҳам Донишга ҳеч қандай сўз айтмайди. Тонгга яқин аҳволи бироз яхшиланади ва аёл ўз ишлари билан банд бўлади. Муаллиф аёлнинг аҳволини кўрсатиш учун мимикадан унумли фойдаланади. Ўқувчи эса ўз навбатида Насибанинг аҳволини кўз олдида гавдалантира олади.

Авваллари асарлардаги адабий тимсоллар ўз номига мувофиқ тарзда бўларди. Яъни бадиий асарда тасвирланган персонаж кимларнингдир

умумлаштирилган образи, қандайдир ижтимоий қатламнинг вакили саналарди. Эндиликда адабий образ фақат ўзининг тимсоли, фақат ўзининг вакили холос! Бадиий асарда одамни тўданинг вакили эмас, битта ва бетакрор шахс сифатида акс эттириш, унда бирор ижтимоий қатламга хос хусусиятларни эмас, балки ёлғиз унгагина тегишли яхши-ёмон сифатларни тасвирлаш шу хил эстетик натижага олиб келади.

Бу жиҳатдан Дониш тимсоли жуда характерлидир. Уни тушуниш ва ёқлаш қанчалар қийин бўлса, қоралаш ва рад этиш ҳам шунчалар мушкул. Бу персонаж табиатини белгилашда ёзувчи позициясининг ноаниқлигидан эмас, балки асарда одам табиатидаги ўзгарувчанлик ва барқарорликнинг тўғри кўзда тутилганидандир. Гарчи, романда Донишнинг ўтмиши бир қадар ёркин рангларда эсланса-да, аслида, табиатидаги бетайинлик, ношудлик, қийинчиликлар олдида бетоқатлиги унинг ҳар бир хатти-ҳаракатида кўринади. Адиба шу тимсол орқали ўзгани ҳис қилмоқ ва тушунмоқ билан унинг учун биргина амалий қадам қўймоқ ўртасида чексиз масофа борлигини кўрсатади.

Дониш олий маълумоти бўлса-да, боши берк кўчага кириб қолишига сабабни воқеалар замиридан англай бошлаймиз. Донишнинг қачонлардир муҳандис бўлиб ишлагани, бироқ заводнинг инқирозга учраши туфайли ишини ташлашга мажбур бўлгани, ўғли Фаррухнинг оёғи синиб шифохонага тушиб қолганида, уни даволаш учун қарзга ботиб қолиши каби воқеалар орқали билиб оламиз. Бундан ташқари, унинг оғир аҳволда қолишини бузук машинани олиб кун кўриш учун ҳаракат қилишида ҳам кузатса бўлади. Дониш ҳар доим оғир аҳволга тушса ҳам, керакли хулосани чиқара олмайди. Натижада, кундан-кунга аҳволи оғирлашиб, ҳеч қандай ишга ярамайдиган, бир сўм пул тополмайдиган, агар кўлига тушса пивохўрликка чопадиган одамга айланади.

Дониш охир-оқибат ўзининг ёлғонига ўзи ҳам ишона бошлайди. У Насибага бор ҳақиқатни айта олмайди. Бир ёлғон иккинчи ёлғонга етаклайди ва фожиали ҳалок бўлади. Дониш руҳиятидаги ҳар бир ўзгаришни муаллиф ана шу фожиа томонга етаклайди. Бошқа персонажларга қараганда Дониш характери, руҳияти тўлиқроқ очилган. Қисмат ва инсон муносабати ҳақидаги баҳс романнинг бошидан-охиригача давом этади. Асардаги ҳар бир қаҳрамоннинг тақдири ўша муносабатларнинг бирор йўсинда намоён бўлишидир. Роман қисматни кутиб ётишни эмас, балки муносиб яшаш учун тинимсиз интилиш, қийинчиликлар ичра тозариш кераклигига ўқувчини ишонтира олган.

“Армон асираси”да миллий романчиликка янгилик бўлиб қўшиладиган жихатлар анчагина. Зухра, Талгат, Насиба, Хулкар ва айникса, Дониш образларини ўзбек адабиётидаги янгилик дейиш мумкин. Худди ҳаётдаги ва қисматдаги каби бу образларнинг тутумларини ҳам олдиндан башорат қилиб бўлмайди.

Зулфия Қуролбой қизининг романи ижтимоий роман эмас, чунки у қатламни эмас, шахсни тасвирлашни мақсад қилиб олган. Одам алоҳида бир кадрят эмас, балки шунчаки ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи даражасига тушган шароитда унинг қизиқишу интилишлари ҳам майдалашиб кетиши асарда таъсирли акс эттирилган. Адоқсиз инсоний дард ҳақида ёзилган мазкур асар ҳар бир ўқувчини ўз хатти-ҳаракатлари ҳақида ўйлашга ундайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. –Т.: Маънавият, 2010.
2. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. -Т.: Янги аср авлоди, 2006.
3. Қуролбой қизи З. Армон асираси. – Т: Янги аср авлоди. 2009.